ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ КАРОРИ

13 Юридик таълим муассасалари (харбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек стажировкани ўташ тартиби тўгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2548

«Таълим тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) Ўзбекистон Республикасининг конунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ—1990-сон «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда) мувофик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:** 

- 1. Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек стажировкани ўташ тартиби тўгрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилиши лозим ҳамда у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

н. йўлдошев

Тошкент ш., 2013 йил 31 декабрь, 3-сон



1 (605)-сон

**— 183 —** 

13-модда

Олий суд раиси

Б. МУСТАФАЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 31 декабрь, КТБ-443-13-сон

Олий хўжалик суди раиси

к. камилов

Тошкент ш., 2013 йил 31 декабрь, 06-17/2-4246-сон

Бош прокурор

Р. ҚОДИРОВ

Тошкент ш., 2013 йил 31 декабрь, 14-K/K-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2013 йил 31 декабрь, 119-сон

Олий ва ўрта-махсус таълим вазири

Б. ХОДИЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 31 декабрь, 58/ҚҚ-сон



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 3, КТБ-443-13, 06-17/2-4246, 14-Қ/Қ, 119 ва 58/ҚҚ-сон қарорига

ИЛОВА

Юридик таълим муассасалари (харбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек стажировкани ўташ тартиби тўгрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом «Таълим тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тай-ёрлаш миллий дастури тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ—1990-сон «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги карорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда) мувофик «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) (бундан буён матнда ОТМ деб юритилади) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек стажировка ўташ тартибини белгилайди.

### I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**қабул қилувчи ташкилот** — талабалар томонидан амалиёт (стажировка) ўтилаётган давлат хокимияти ва бошқаруви органи, суд, хуқуқни мухофаза қилувчи орган, ишлаб чиқариш, хўжалик, тижорат ташкилотлари, молия-банк ва бошқа муассасаларнинг юридик хизмати;

**амалиёт** — назарий билимларни мустахкамлаш, амалий куникма ва махорат хосил қилиш, таълим дастурининг маълум (якуний) қисмидаги мавзуси буйича материаллар туплаш учун утказиладиган укув жараёнининг бир қисми;

талаба стажировкаси (бундан буён матнда стажировка деб юритилади) — магистрлик диссертациясининг амалий қисми материалларини ишлаб чиқиш билан биргаликда ўқиш давомида олинган амалий ва назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлашга йўналтирилган ўқув жараёнининг бир қисми;



таништирув амалиёти — бакалавриатнинг II курс талабалари томонидан келажакдаги касбий фаолият хакида бошлангич маълумотларни олиш ва назарий билимларни мустахкамлаш максадида ўталадиган амалиёт тури;

**малакавий амалиёт** — бакалавриатнинг III ва IV курс ва магистратуранинг I курс талабалари томонидан назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий куникма ва уқув ҳосил ҳилиш, таълим дастурининг маълум (якуний) ҳисмидаги мавзуси буйича материаллар туплаш маҳсадида уталадиган амалиёт тури;

диплом олди амалиёти — таълимнинг якунловчи боскичи хисобланадиган ва бакалавриатнинг IV курс талабалари томонидан назарий ва амалий таълим дастурлари ўзлаштирилгандан сўнг битирув малакавий ишининг мавзуси бўйича материаллар тўплаш максадида ўталадиган малакавий амалиёт тури;

**ОТМдан амалиёт (стажировка) рахбари** — ўкув юкламасига амалиёт (стажировка) киритилган ОТМ ўкитувчиси;

**қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт (стажировка) раҳбари** — талабаларни амалий кÿникмаларга ўргатиш ва ОТМдаги амалиёт (стажировка) раҳбари билан биргаликда эгалланган билимларни баҳолаш масъулияти юкланган қабул қилувчи ташкилот ходими;

**амалиёт (стажировка)ни ўташ дастури** — ишчи-ўқув режаларини хисобга олган холда ОТМ томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган дастур.

- 2. Амалиёт (стажировка)ни ўташ муддати ва жойи амалиёт (стажировка)ни ўташ дастури ва ишчи-ўкув режалари билан назарий тайёргарлик хамда танланган бакалавриат йўналиши ва магистратура мутахассислигини инобатга олган холда белгиланади.
- 3. Амалиёт (стажировка) узлуксиз ҳамда амалиёт (стажировка) мазмунини ва назарий таълимнинг ўзаро алоқасини таъминлаш шарти билан назарий билимлар билан навбатланиш йўли орқали амалга оширилиши мумкин. Амалиётнинг барча турлари ва стажировка ишчи-ўқув режаларига мувофиқ муддатларда ўтказилади.
- 4. Таништирув амалиёти қабул қилувчи ташкилотларнинг амалий фаолияти ҳақида тасаввурга эга булиш ҳамда бирламчи касбий маҳорат ва куникмаларни эгаллашни назарда тутади.

Таништирув амалиёти бакалавриатнинг 4-семестри якунидан сўнг ўтказилали.

Таништирув амалиётининг давомийлиги 3 ёки 4 та ташкилотларда бир ойни ташкил этади.

5. Малакавий амалиёт ўрганилаётган фанлар бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштиришга, талабаларнинг қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий нормаларини амалиётда қўллаш бўйича маҳоратларини текширишга имкон беради.

Малакавий амалиёт:

бакалавриат талабалари учун 6-семестр якунидан сўнг; магистратура талабалари учун 2-семестр якунидан сўнг ўтказилади.



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й.



Малакавий амалиётнинг давомийлиги бакалавриат талабалари учун бир ой, магистратура талабалари учун эса бир ярим ойни ташкил этади.

Амалиётни ўташ жойи танланган бакалавриат йўналиши ва магистратура мутахассислигини инобатга олган холда амалиётни ўташ дастури билан белгиланади.

6. Диплом олди амалиёти битирув малакавий ишини тайёрлашда фойдаланиш мақсадида материаллар туплаш учун талабанинг тайёргарлик даражасига қуйиладиган талабларга мувофик, талаба томонидан касбий фаолиятни эгаллашнинг узлуксиз ва изчил жараёнини таъминлашга қаратилган.

Диплом олди амалиёт бакалавриатнинг IV курс талабалари учун 7-семестр якунланганидан сўнг ўтказилади.

Диплом олди амалиётининг давомийлиги икки ярим ойни ташкил этади. Амалиёт ўташ жойи талаба томонидан ОТМдаги амалиёт рахбари билан келишилган холда танланган бакалавриат йўналиши ва битирув малакавий иши мавзусига асосан танланади.

Бакалавриат талабалари 7-семестр мобайнида ўқишдан ажралмаган ҳолда амалий кўникмаларни ривожлантириш бўйича курсларни ўташлари мумкин.

7. Стажировка талабалар томонидан таълим жараёнида олинган назарий билимларни мустаҳкамлашга ва ушбу билимларни касбий юридик фаолиятнинг куникма ва маҳоратларига айлантиришга, талабаларни аниқ иш жойидаги амалий ишга тайёрлаш ҳамда магистрлик диссертациясининг амалий қисми материалларини ишлаб чиқишга йуналтирилган.

Стажировка магистратура талабалари учун 3-семестр якунланганидан сўнг ўтказилади.

Стажировканинг давомийлиги уч ярим ойни ташкил этади.


- 8. Амалиёт (стажировка)ни ўташдан озод қилишга йўл қўйилмайди.
- 9. Амалиёт (стажировка)ни ўташ жараёнида талаба томонидан ОТМдан бериладиган амалиёт (стажировка) кундалиги юритилади.

Амалиёт (стажировка) кундалигида қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт (стажировка) рахбарининг имзоси билан тасдиқланадиган, талаба томонидан амалиёт (стажировка)ни ўташ вақтида амалга оширилган ишлар хар кунлик асосида ёритилиб борилади.

- 10. Қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт (стажировка) рахбарлари амалиёт (стажировка) кундалигига талабанинг ижобий ва салбий фазилатларини, унинг ўзлаштирувчанлиги ва бошқа маълумотларни ёритувчи ёзувларни киритиш ҳуқуқига эга.
- 11. Амалиёт (стажировка)ни ўташнинг нормал кунлик давомийлиги олти соатни ташкил этади.

### II боб. Амалиёт (стажировка)ни ўташнинг босқичлари

12. Амалиёт (стажировка) уч босқичга бўлинади: тайёрлов; асосий;





амалиёт (стажировка) буйича имтихон.

13. Тайёрлов босқичида ишчи-ўқув режасига асосан амалиёт (стажировка)ни ўташнинг биринчи кунида ОТМдан амалиёт (стажировка) рахбари ва қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт (стажировка) рахбари томонидан йигилиш ўтказилади. Йигилишда талабалар амалиёт (стажировка)ни ўташ дастури билан танишадилар, унинг максад ва вазифаларига тааллукли кўрсатмалар, уларни бажариш буйича кўлланмаларни оладилар, амалиёт (стажировка) ўташ ва амалиёт (стажировка) кундалигини тўлдириш тартиби ҳақида хабардор қилинади.

Амалиёт (стажировка)ни ўташнинг дастлабки уч кунида талабалар қабул қилувчи ташкилотнинг тузилиши, фаолият йўналишлари, ўзига хослиги билан танишадилар хамда ОТМдан амалиёт (стажировка) рахбари ва қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт (стажировка) рахбари билан биргаликда амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурини бажариш режа-жадвалини тузадилар.

- 14. Амалиёт (стажировка)ни ўташнинг асосий босқичида талаба бевосита қабул қилувчи ташкилотда амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурини бажариш режа-жадвалида кўрсатиб ўтилган ишни бажаради.
- 15. Амалиёт (стажировка) буйича имтихон амалиёт (стажировка)нинг якуний боскичи хисобланиб, унда талабалар томонидан амалиёт (стажировка)ни ўташ жараёнида килинган ишларнинг натижалари тахлил килинади ва бахоланади. Амалиёт (стажировка) буйича имтихон ОТМ вакиллари орасидан тузилган комиссия томонидан ОТМда ёзма равишда ўтказилади.

Қабул қилувчи ташкилотнинг вакили амалиёт (стажировка) буйича имтихонда ОТМдан амалиёт (стажировка) рахбари билан биргаликда қатнашиши мумкин.

16. Амалиёт (стажировка) буйича имтихон қуйидаги бахолаш мезонларига асосан амалга оширилади:

назарий ва амалий билимлари даражаси;

талаба томонидан амалиёт (стажировка) давомида тупланган материалларнинг тузилиши, даражаси ва сифати ҳамда уни уташ давомида урганилган масалаларнинг ёритиб берилиши.

# III боб. Амалиёт (стажировка)ни ўташда талабага қўйиладиган талаблар

#### 17. Талаба:

амалиёт (стажировка) буйича услубий ва курсатма материаллар билан танишиши ва ОТМдан амалиёт (стажировка) рахбарида йул-йурикдан утиши; амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш ва уташни назорат қилиш буйича тадбирларда иштирок этиши;

амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурида назарда тутилган барча топширикларни белгиланган муддатларда, тўлик хажмда ва сифатли бажариши;

амалиёт (стажировка) кундалигини хар куни ва тартибли юритиши;

ОТМдан амалиёт (стажировка) раҳбарининг талаби билан куриб чиқиш учун амалиёт (стажировка) кундалигини тақдим қилиши;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й.



кейинги ўкув ва амалий фаолиятда фойдаланилиши мумкин бўлган материаллар тўпламини юритиши;

ички мехнат тартиб қоидалари ва қабул қилувчи ташкилот ходимлари фаолиятининг тартибини белгиловчи хужжатларга риоя килиши шарт.

18. Талаба амалиёт (стажировка) буйича имтихонни утказиш кунида ОТМдаги амалиёт (стажировка) рахбарига белгиланган муддатда амалиёт (стажировка) якуни бўйича қуйидаги хужжатларни такдим этади:

амалиёт (стажировка) кундалиги;

якуний хулоса чиқарилгандан сўнг талабага келгусида ўқув ва амалий фаолиятда фойдаланиш учун қайтариб бериладиган амалиёт (стажировка) ўташ вақтида тўпланган материаллар жилди (уларнинг рўйхати амалиёт (стажировка) кундалигида акс эттирилган бўлиши лозим).

19. Талаба амалиёт (стажировка)ни ўтагандан сўнг ОТМда амалиёт (стажировка) буйича имтихон топширишга мажбур.

# IV боб. Амалиёт (стажировка)ни ташкиллаштиришнинг шартлари

- 20. Амалиёт (стажировка)ни ташкил этишга талаблар амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурлари билан белгиланади. Амалиёт (стажировка)ни барча босқичларда ташкил этиш талабалар томонидан касбий фаолиятни эгаллашда узлуксизлик ва изчилликни таъминлашга йўналтирилиши лозим.
- 21. Уқитувчиларнинг амалиёт (стажировка)даги уқув юкламаси ишчиўқув режада кўрсатилган ўқув педагогик соатлар (хафталар)дан ва амалиётни ўташ туридан келиб чиқиб аникланади.
- 22. Амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш учун олдиндан ОТМ ректори томонидан амалиётлар тури ёки стажировка, муддати ва уни ўташ жойи, моддий таъминот, ОТМдан амалиёт (стажировка) рахбарларини турар жой билан таъминлаш, масъул шахслар ва жунатилаётган талабаларнинг, ОТМдан амалиёт (стажировка) рахбарларининг таркибий руйхати белгиланган буйруқ қабул қилинади.
- 23. ОТМ рахбари амалиёт (стажировка)га тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш жараёнида мехнатни мухофаза қилиш хамда фаолият хавфсизлигини таъминлаш буйича комплекс чора-тадбирлар курилишини таъминлайди, талабаларни ўз вактида амалиёт (стажировка) ўташ жойларига таксимлайди.
- 24. Амалиёт (стажировка)ни тайёрлаш, таъминлаш ва ўташни мувофиклаштиришни ОТМнинг амалиётни ташкиллаштирувчи булинмаси амалга оширади.
  - 25. ОТМдаги амалиёт (стажировка) рахбари:

амалиёт (стажировка)га кетаётган талабалар билан йул-йуриклар утка-

талабаларнинг амалиёт (стажировка) ўташ жойига етиб келишини назорат қилади;



қабул қилувчи ташкилот рахбари ва қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт (стажировка) рахбари билан алоқалар ўрнатади;

талабаларга амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурини бажариш бўйича услубий ёрдам кўрсатади;

амалиёт (стажировка)нинг бутун даври учун талабаларга индивидуал режа тузади, қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт (стажировка) раҳбари билан биргаликда ишнинг ҳажми ва таркибини белгилайди;

амалиёт (стажировка)ни ўташ жойларига талабаларни тақсимлашда иштирок этади;

амалиёт (стажировка) муддатларига ва унинг таркибига риоя қилиниши, шунингдек амалиёт (стажировка)ни ўташ дастури бажарилишининг назоратини амалга оширади, шу жумладан талабаларни амалиёт (стажировка) ўташ жойларига кўришга бориш йўли билан;

амалиёт (стажировка) буйича имтихонда иштирок этади;

амалиёт (стажировка)га, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар билан, рахбарлик буйича хисобот тузади ва уни ОТМга такдим этади.

26. Қабул қилувчи ташкилот рахбари:

OTMлар билан амалиёт (стажировка)ни ўташ ҳақида шартномалар тузади;

қабул қилувчи ташкилотда амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш тўгрисида буйруклар чикаради;

малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан қабул қилувчи ташкилотда амалиёт (стажировка) ўташ учун масъул шахсларни тайинлайди, шунингдек уларнинг орасидан амалиёт (стажировка) ўташни ташкил этиш ва назорат қилиш учун ишчи гурух тузади;

амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурига мувофиқ амалиёт (стажировка) ўташ учун шароитлар яратади.

27. Қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт (стажировка) рахбари:

талабаларга техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўрик, ёнгин хавфсизлиги бўйича умумий йўл-йўрик, шунингдек қабул қилувчи ташкилотнинг ички тартиб қоидалари ва иш режимининг хусусиятлари бўйича йўл-йўрик ўтказади;

қабул қилувчи ташкилотнинг белгиланган объектлари буйича талабаларни тақсимлайди, унинг тузилиши, фаолият йуналишлари ва узига хос хусусиятлари билан таништиради;

талабаларни амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурига тааллуқли материаллардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди;

талабалар томонидан амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурининг бажарилиши учун зарур шароитлар яратади;

талабаларга ишлаб чиқариш масалалари буйича маслаҳатлар беради; бажарилаётган иш ва амалиёт (стажировка) кундалигининг юритилиши устидан доимий назоратни амалга оширади;

талаба иш кунининг белгиланган давомийлигига риоя этилишини таъминлайди;

талаба иш вақтидан самарали фойдаланишини таъминлайди,



амалиёт (стажировка) кундалигини тасдиқлайди;

ОТМдан амалиёт (стажировка) рахбарини талаба томонидан амалиёт (стажировка) ўташ дастури бажарилмаётганлиги хамда барча меҳнат интизоми бузилишлари ҳақида хабардор қилади;

ОТМдан амалиёт (стажировка) рахбари билан алоқани ушлаб туради. Қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт (стажировка) рахбарига талабага амалиёт (стажировка) ўташ дастури билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш топшириғини бериш тақиқланади.

28. Амалиёт (стажировка) ОТМ билан қабул қилувчи ташкилот ўртасидаги қабул қилувчи ташкилотнинг амалиёт (стажировка) ўташ учун жой ажратиш мажбуриятини назарда тутувчи шартномалар асосида амалга оширилади.

ОТМ ва қабул қилувчи ташкилот амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шартномада шартнома предметини, тарафларнинг хукук ва мажбуриятларини, амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини, шартномани бекор қилиш асосларини, шунингдек тарафларнинг жавобгарлигини келишиб олади.

- 29. Амалиёт (стажировка) бошланиши вақтидан бошлаб талабаларга қабул қилувчи ташкилотда белгиланган тартибда таништирилиши шарт булган мехнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва ички меҳнат тартиб қоидалари ҳамда қабул қилувчи ташкилотда амалда булган бошқа ҳужжатлар татбиқ қилинади.
- 30. Амалиёт (стажировка) буйича бахо таълим буйича бахоларга тенглаштирилади ва талабалар умумий узлаштиришининг якунларини чикаришла инобатга олинади.
- 31. Амалиёт (стажировка) якунлари буйича қониқарсиз бахо, шунингдек узрли сабабларсиз амалиёт (стажировка)га келмаслик белгиланган тартибда академик қарздорликка эга булган талаба сифатида, ОТМ талабалари сафидан чиқарилишига асос булиб хизмат қилиши мумкин.

#### V боб. Моддий таъминот

- 32. Амалиёт (стажировка)ни ўташ даврида талабаларда стипендия олиш хукуки сакланиб қолинади.
- 33. ОТМдан амалиёт (стажировка) раҳбарларининг ОТМ жойлашган жойдан амалиёт (стажировка)ни ўташ жойигача бориш билан боглиқ бўлган хизмат сафарлари харажатлари, шу жумладан яшаш ва суткалик харажатлар, ўрнатилган тартибда ОТМнинг бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан тўланади.

